

Міністерство Освіти та Науки України
Український державний університет
імені М. Драгоманова

**«Коли Захід зустрів Схід: наукова конференція
присвячена пам'яті Андрія Ковалівського»**



1895-1969

Київ – Вінниця
"НІЛАН-ЛТД"
2024

УДК 63 (2): 62 (9)
С 36

Друкується за ухвалою Вченої ради історичного факультета
Українського державного університету імені М. Драгоманова
(протокол № 7 від 25.03.2024)

Коли Захід зустрів Схід. Матеріали міжнародної наукової конференції «Коли Захід зустрів Схід: наукова конференція присвячена пам'яті Андрія Ковалівського», яка відбулась 27-28 травня 2024 р. / Упорядник д. і. н. Я. В. Пилипчук. Київ – Вінниця : Український державний університет імені М. Драгоманова, НІЛАН-ЛТД, 2024. (укр., азерб., лит., узб., англ. мовами). 208 с.
ISBN 978-617-558-068-4

Ця публікація постала як результат міжнародної наукової конференції «Коли Захід зустрів Схід: наукова конференція присвячена пам'яті Андрія Ковалівського», яка відбулась 27-28 травня 2024 р. на історичному факультеті Українського державного університету ім. М. Драгоманова. Матеріали конференції містять дослідження українськими, грузинськими, європейськими та тюркськими вченими історії Сходу та Європи.

Для науковців, викладачів, аспірантів та студентів.

УДК 63 (2): 62 (9)
С 36

©Я. В. Пилипчук, 2024
©Автори статей 2024

ДАМИНОВ А. (TASHKENT, UZBEKISTAN)

ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИ ЗИРОАТЧИЛИК ТАРИХИГА ОИД БАЪЗИ ТАДҚИҚОТЛАР

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Темурийлар салтанати зироатчилик тарихига оид баъзи тадқиқотлар таҳлил қилинган. Темурийлар даврининг турли соҳалари шу пайтгача хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўрганилганига қарамай унинг зироатчилик тарихи олимлар томонидан кенг ўраганилмаган. Амир Темур ва темурийлар даври деҳқончилик тарихига оид маълумотлар турли манбаларда узук-юлуқ ва сочилган ҳолатда баён этилган. Ушбу материаллар зироатчилик тараққиётига бевосита ва билвосита таъсир қилувчи омиллар, соҳада олиб борилган сиёсат, ирригация тизимлари, зироатчилик ва унинг майдонларининг кенгайиши, солиқлар, ер эгалиги, зироатчиликнинг бошқа соҳаларга кўрсатган таъсирини англашда муҳим аҳамият касб этади. Археологик изланишлар моддий ёдгорликлар, хусусан Амир Темур давридан қолган боғларнинг ўрни ва излари, мева ва дарахтларнинг қолдиқлари, хўжалик буюмлари бу даврда қўлланилган зироатчилик амалиётлари ҳақида маълумот беради. Амир Темур ва темурийлар давридаги зироатчилик тарихига оид манбалар ва тадқиқотларни ўрганиш, уларни синчковлик билан таҳлил қилишни ва маълумотларни шарҳлашга пухта ёндашишни талаб қилади. Шунингдек, бу даврдаги моддий ва ёзма манбаларини ўрганиш тарихчи ва тадқиқотчи олимларга Амир Темур ва темурийлар давридаги зироатчилик, аграр муносабатлар ва бошқа соҳага оид тушунчаларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Мақолада совет даврида археолог ва шарқшунос олимлар томонидан зироатчилик тарихига оид бажарилган ишлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Темурийлар, зироатчилик, археология, тарихшунослик, тарих, ўрта асрлар

Темур ва темурийлар даврига оид моддий маданий манбалар зироатчилик ва зироатчилик муносабатларига оид археологик манбалар, турли ашёлар, иншоотлар ва хужжатларни ўз ичига олиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги манзилгоҳларининг археологик қазилмалари: Бу бинолар, қайсидир қишлоқ ва шаҳарларнинг суғориш тизимлари қолдиқларини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги қуроллари топилмаларини, масалан, зироатчилик қуроллари, уруғлар, қишлоқ хўжалиги асбоблари ва бошқаларни ўрганишни ўз ичига олади.

Амир Темур ирригация қурилиш ва зироатчиликка катта эътибор қаратган ва бу борада катта тиклаш ва янги ирригация тизимлари қуриш ва зироатчилик майдонларини кенгайтириш йўлидан борган. Шулардан бугунги кунда сақланиб қолingan Зарафшон воҳасидаги қатор ирригация тизимлари, Тошкент воҳасидаги Шоҳрухия қолдиқлари, унинг томонидан қурилган Оҳангарон шаҳри ва уларни боғлаб турган канал ва ариқлар, Мурғоб канали, Эрон ва Озарбайжон ва бошқа ҳудудлардаги кўплаб бугунги кунгача сақланиб қолган зироатчилик майдонлари ва ирригация тизимлари илмий ишимизни ёритишда катта асос бўлиб хизмат қилди.

В. А. Жуковскийнинг «Қадимги Марв харобалари» 4-асари Марв вилоятини ўрганишга бағишланган. Унда В. А. Жуковский ёзма манбалар ва археология маълумотларига таянган ҳолда, Марв воҳасининг темурийлар давридаги суғориш тизимини ва бу ҳудуддаги зироатчилик ҳолатини тавсифлаш учун муҳим маълумотлар беради. С.К.Кабанов Амир Темур давридаги Эски Анҳор канали йўналишининг учга бўлингани ҳақида археологик тадқиқотлар олиб борган. Хоразм ирригацияси ва деҳқончилигига оид масалаларни ўрганишда муаллиф ёзма манбалардан бой археологик материаллар ва маълумотлардан фойдаланган Я.Ғ.Ғуломовнинг “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” асари катта аҳамиятга эга.

И.А. Сухарев томонидан олиб борилган тадқиқотда ҳам Амир Темур даврида бунёд этилган Боғи Дилкушо ўрни аниқлангани таъкидлаб ўтилган. М.Е. Массон ҳам Амир Темур томонидан бунёд этирилган Боғи Давлатобод ўрнини аниқлаган. Ю.Ф.Буряков Шохрухия шаҳрида археологик тадқиқотлар ўтказиб у ердаги ғалла, донлар ва бошқа маҳсулотларни сақлашда ҳам кенг фойдаланилган кулолчилик буюмларини топган. Хусусан дон-дунларни сақлашга мўлжалланган катта-катта хумлар, кулолларининг катта мавзеси очиб ўрганилган.

Совет даврида Темурийлар салтанати тарихига оид йирик тадқиқотларни амалга оширган В.В.Бартолднинг “Хофиз Абру ва унинг кўлёмалари” асари, асосан, Мовароуннахрнинг сиёсий ва маданий тарихи ривожига бағишланган. Унинг “Улуғбек ва унинг замони” асарида Улуғбек давридаги мамлакат ижтимоий ҳаётига оид маълумотларни топиш мумкин. В.В.Бартолднинг Хоразм зироатчилиги тарихига оид “Орол денгизи ва Амударёнинг қуйи оқими тўғрисида маълумот” асари катта аҳамиятга эга бўлиб, унда зироатчиликнинг айрим тамойиллари ишлаб чиқилган ва бу ҳудуднинг етиштириладиган экинлари тавсифланган. Тадқиқотни бажаришда В.В.Бартолднинг “Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт”, “Туркистон мўғуллар истилоси даврида” ва бошқа асарларидан ҳам фойдаланилди.

Темурийлар давлати тарихини ўрганишга А.А.Семенов катта ҳисса қўшди. А. А. Семенов «Султон Ҳусайн Мирзо салтанати иқтисодиёти ҳақида айрим маълумотлар» мақоласида Султон Ҳусайн давлатининг иқтисодий аҳволини, асосан, зироатчиликни тавсифлайди. А. А. Семеновнинг “Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Мирзо муносабатлари” мақоласи ҳам ушбу давлатдаги сиёсий-ижтимоий ҳаёт масалалари ривожига бағишланган. А.А. Молчановнинг “Алишер Навоий давридаги Ҳиротдаги солиқ тизимининг хусусиятлари ҳақида” мақоласи бевосита мавзумизга дахлдор. А. А. Молчанов томонидан баъзи солиқ атамаларининг маъноси, Султон Ҳусайн давлатининг солиқ тизими оид масалаларни ҳал қилиш учун муҳим материал ҳисобланади. Шунингдек, муаллиф Р. Н. Набиевнинг “XV асрдаги Мовароуннахрнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаёти тарихидан” номли қизиқарли мақоласида йирик феодал Хожа Аҳрор хўжалигига оид маълумотлар таҳлил қилинган.

Шунингдек, А. М. Беленицкийнинг “XIV-XV асрларда темурийлар даврида Ўрта Осиё ва Эронда феодал ер эгаллиги тарихига оид” мақоласини эслатиб ўтамиз. А. М. Беленицкий ёзма манбалардан олинган маълумотларга асосланиб, темурийлар даврида суюрғол тизими ҳақида тадқиқот олиб борган. И. П. Петрушевскийнинг “XIII-XIV асрларда Эронда қишлоқ хўжалиги ва аграр муносабатлари” асарида ҳам мавзуни ёритишга хизмат қилувчи қимматли маълумотлар мавжуд. И. П. Петрушевский жуда кўп манбалар ва бошқа материаллардан фойдаланиб, XIII-XIV асрларда Эронда зироатчилик, суғориш, феодал ер эгаллиги тоифалари, зироаткорлар тоифалари, феодал рента ва солиқлар ва қишлоқ ҳаётининг бошқа масалаларига ойдинлик киритади.

С. Азимжоновнинг “XV аср иккинчи ярмига оид Фарғона тарихидан” асарида Фарғона аҳолисининг зироатчилик ва аграр муносабатларига тўхталиб ўтган. Шунингдек олиманинг Бобурнинг солиқ тизими ҳақидаги “Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг айрим иқтисодий қарашлари” мақоласидан ҳам мавзуни ёритишда фойдаланилди. П. П. Ивановнинг “Жуйбар шайхларининг иқтисоди” номли йирик асарида ҳужжатли манбаларга асосланиб, XVI аср ўрталарида вужудга келган Бухоронинг йирик маънавий феодаллари — Жуйбар шайхларининг хўжалиги характерланади.

1974 йилда чоп этилган “Самаркандские документы XV—XVI вв. (О владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистане). Факсимиле, критич. текст, пер., введ., примеч. и указа-тели О. Д. Чехович. 1974. (АН СССР. Отд. истории. АН УзССР. Институт истории. Институт востоковедения)” номли китобга Хожа Аҳрори Валийнинг олди-сотди, вақф, ёрлик ва бошқа ҳужжатлари, ҳамда унга тегишли бошқа мулклар рўйхатлари киритилган.

Биз юқорида санаб ўтилган адабиётлардан ташқари А.Ю.Якубовский, И.П.Петрушевский, А.А.Семенов, А.Н.Болдирев, Р. Г. Мукминова, Г. А. Пугаченкова ва бошқа бир қатор муаллифларнинг асарларидан ҳам кенг фойдаландик.

Темурийлар даври зироатчилик тарихини анча муфассал ўриганган олимлардан бири тожикистонлик олим Н. Маҳмудовдир. У бу давр зироатчилик тарихига оид салмоқли тадқиқотларни олиб борди ва “Тимур ва Тимурийлар даврида Ўрта Осиёда аграр муносабатлар тарихидан” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёклади. Тадқиқот 4 бобдан иборат бўлиб 1-боб- суғориш, экинлар; 2-боб Ўрта Осиёда XIV-XV асрларда феодал ер эгалиги турлари, 3-бобда Темур ва темурийлар даврида феодал рента ва солиқлар, 4-бобда зироатчилик соҳасидаги ижтимоий табақалар таҳлил қилинган. Олим кўплаб нодир манбалар ва маълумотлар таҳлили асосида тадқиқотни олиб борган бўлса-да совет давридаги “эзувчи”, “эзилувчи” каби синфий қарашлар таъсирида давр зироатчилик тарихига объектив баҳо бера олмаган ва ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, давлат томонидан олиб борилган ислохотлар, уларда темурий ҳукмдорларнинг муҳим роли очиб берилмаган. Диссертация ва мақолаларда ҳар бир таҳлил совет даври синфий қарашлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Бизнинг тадқиқотимизда темурийлар салтанати зироатчилик тарихига оид илмий тадқиқотлар ва манбалар, ирригация тизимларининг зироатчилик ривожига таъсири, зироатчилик, ер эгалиги турлари ва солиқлар, зироатчиликнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига таъсири, суюрғол тизими таҳлил қилинган.

Н. Маҳмудов Темурийлар салтанатидаги аграр муносабатлар тарихини ёритган, бизнинг диссертацияда эса айнан зироатчилик тарихи ва унга боғлиқ мавзулар камраб олинган. Н. Маҳмудов тадқиқотига қарийб 60 йил бўлди. Бугун жаҳон темуршунослари тадқиқотларини ўрганиш ва улардаги соҳага доир маълумотлардан ишни ёзишда фойдаланиш учун имкониятлар яратилган. Бугун илмий ишни тўлақонли ёзиш учун имкониятлар кўлами кенгайган. Ўзбекистон Фанлар Академияси Археологик тадқиқотлар Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тарих ва археология институти негизида (1970-йил) Самарқандда ташкил этилган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси археология маркази, Ўзбекистон миллий университети, Самарқанд давлат университети археолог олимлари томонидан Амир Темур ва Темурийлар даври моддий маданияти тарихига оид қатор илмий тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Мустақиллик йилларида ҳам юртимизда ирригация тизимлари ва зироатчилик тарихига оид тадқиқотлар амалга оширилди.

Академик А.Р. Муҳаммаджоновнинг Темурийлар салтанати, хусусан ирригация тизимлари ва зироатчилик тўғрисидаги тадқиқотларини ҳам алоҳида келтириб ўтиш лозим.

Олим Темурийлар давридаги ирригация тизимларининг ташкил этилиши, зироатчилик, ер эгалиги, солиқлар, суюрғол тизими ва бошқа мавзуларга тўхтаб ўтган. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори М. Маҳмудовнинг “Амир Темур ва темурийлар салтанатида ирригация тизимининг ривожланиши” мавзусидаги диссертациясини алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. Н. Маҳмудова Темурийлар салтанатидаги ирригация тизимларини таҳлил қилди. Маҳмудова Муаззамнинг “Темурийлар салтанатида ирригация тизимининг ривожланиши” номли диссертациясида Темурийлар даврида ирригация тизимларининг ривожланишини атрофлича таҳлил қилинган. Булардан ташқари, Б. Аҳмедов, А. Ўринбоев, Д. Юсупова, А. Аҳмедов, У. Уватов, О. Бўриев, Б. Маннонов каби кўплаб олимлар бирламчи манбалар асосида Темурийлар даврига оид ноёб тадқиқотларни амалга оширдилар. Шунингдек, мустақиллик йилларида қатор олимлар томонидан Амир Темур ва унинг фаолиятига бағишлаб бир қанча салмоқли илмий тадқиқотлар яратилди ва катта ишлар олиб борилмоқда. Бу ишлар орасида “Амир Темур жаҳон тарихида” деб номланган йирик фундаментал тадқиқотни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Унда Амир Темур ва Темурийлар даври зироатчилик тарихига тегишли баъзи ноёб маълумотлар мавжуд бўлиб тадқиқотни амалга оширишда улардан самарали фойдаланилди. Асар 2001 йилда қайта нашр этилди.

ДЖАФАРОВ Ю. (TORONTO, CANADA)

ДО ПИТАННЯ ПРО ТАК ЗВАНИХ «БУН-ТУРКІВ» У ГРУЗИНСЬКИХ ДЖЕРЕЛАХ

Формування тюркомовного азербайджанського народу дуже важлива актуальна проблема. Її початок пов'язаний із таким складним явищем, як питання про проникнення на територію історичного Азербайджану найбільш ранніх тюркомовних груп та осідання їх у цьому регіоні. Хто саме були ці ранні тюркомовні групи, і коли саме вони вперше з'явилися в Азербайджані? Чи маємо ми тут об'єктивний, закономірний історичний процес інфільтрації тюркомовних кочівників у нове для їхнього існування середовище чи випадкові, не пов'язані між собою історичні явища? Як і на якому рівні ця проблема вирішується зараз у науковій літературі?

Питання про ранніх турків в Азербайджані з деяких пір набуло першорядного значення. Ціла низка авторів намагається «удавнити» появу та наявність древніх тюркомовних груп в Азербайджані і з цього часу розглядати тюркізацію його корінного населення. На жаль, у їхньому трактуванні цих питань йдеться виключно про ранню тюркізацію населення Північного Азербайджану – Албанії. Це видається докорінно неправильним, оскільки, якщо ми маємо на увазі процес тюркізації в такий ранній період (все частіше йдеться про початок нашої ери), то в такому разі одночасно слід «тюркізувати» і величезну територію Південного Азербайджану – Адурбадгана. Інакше не виходить єдиний тюркомовний народ. Однак жодних джерел та серйозних аргументів про процес тюркізації Південного Азербайджану на початку нашої ери не наводиться. Якщо не рахувати набридлих усім порожніх розмов про «тюркомовність» маневрів та мідійців.

Закриваючи очі на цю головну помилку всіх без винятку авторів, розглянемо докладніше питання про так званих ранніх (тобто догунські) турків в Албанії. Це питання досить серйозне, щоб його пускати на самоплив. Він може обернутися іншою, зовсім несподіваною стороною, і завдати величезної шкоди азербайджанській історичній науці. Тут необхідний суворий кваліфікований підхід дослідника, який спеціально і давно займається всім комплексом цих проблем. Тому звернемося до уважного аналізу всіх тих положень та аргументів, які склалися до цього часу з цього питання. На щастя, цих положень небагато. І одне з них – це питання про так звані «бунтурки».

Бун-турки відомі з кількох повідомлень у грузинських джерелах «Навернення Картлі» (Мокцев Картліса) та «Історія (Життя) Картлі» (Картліс Цховреба); далі – МК та КЦ). І якщо раніше вони не привертати особливу увагу дослідників, то з деяких пір ситуація раптом змінилася і цей етнонім не сходиться зі сторінок наукових і навіть популярних видань, присвячених проблемам етногенезу азербайджанського народу. Хто ж такі ці загадкові бунтурки, чому вони раптом так схвилювали громадськість і яке ставлення вони мали до етногенетичних процесів, що відбувалися в Азербайджані?

Всім здавалося безперечним, що у другій частині цього слова ми маємо етнонім «турки». А тому вирішення питання звелось до того, щоб якнайвдаліше розшифрувати префікс «бун». Звідси й почали з'являтися різні етимології, яких поступово ставало дедалі більше. На підставі всіх цих етимологій "туркам" з приставкою "бун" стали приписувати різні якості, змушуючи їх викликати то почуття гидливості (примітивні турки) (1), то гордості (корінні, справжні турки) (2), почуття войовничості (турки-списоносці) (3), змінювалося почуттям жалості (бідолашні турки) (4). Є й інші етимології (5). І, напевно, все було б добре, якби справа з бунтурками не пішла далі за емоційний аналіз їхньої діяльності. Тим часом одного разу одному з авторів раптом спало на думку підключити бунтурків до етногенезу азербайджанців (6).

І ось якось кинуте побіжно міркування про участь турків з префіксом «бун» в етнічних процесах в Азербайджані почало кочувати зі статті в статтю і обростати при цьому такими подробицями, які й не снилися племенам зі значно важливішою історичною та